

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 262 (6. 751)



1988 йил 16 ноябрь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси олдида

ЗАМОНДОШИМИЗ

АМАЛИЙ ИШ КЎПРОК БЎЛСИН

XXXIV Киров район ҳисобот-сайлов партия конференциясидан

ҚОНФЕРЕНЦИЯ АРАФАСИДА. Район партия комитети ҳузуридаги тақлиф ва тавсияномаларини умумлаштирувчи комиссия раиси Пўлат Мамажонович Сартаев билан суҳбатдан: КПСС XIX Бутуниттифок конференциясида район ва шаҳар комитетлари энг муҳим нарсаси — барча ишда доимо бошланғич партия ташкилотларига таяниб иш тутишга эътибор беришлари, бунинг учун биринчи навбатда ўларнинг услуб ҳамда методларини қатъиян ўзгартиришлари лозим, деб таъкидлаб ўтилди. Бизга ҳеч ким қайта қуриш планини чизиб бермайди. Илгариги даврга ўхшаб юқоридан кўрсатилган ҳам келмайди. Ҳар ким қайта қуришни ўзи иккун қилиши, ҳар бир соҳага ошкоралик, демократияни синдириши керак.

Район партия конференцияси арасида район партия комитети раҳбар ҳамда конференциянинг ишчи органлари, шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайлаш юзасидан тақлиф, тавсияномаларини умумлаштирувчи комиссия тузилди. Делегатлар йиғилишларида комиссия составига 50 коммунист киритилди. Комиссия таркибиде халқ ҳўжалиги тармоқлари бўйиче 6 та секция ташкил этилди. Юқори партия органларига номзодлари кўрсатилган ҳар бир коммунист тўғрисида меҳнат коллективларида суҳбатлар ўтказилди, уларнинг ташкилотчилик ҳобилиятларига, қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини бажариш соҳасидаги қобилиятларига принципиал баҳо берилди.

МУЛОҲАЗА: Бутуниттифок XIX партия конференциясида шу гаплар айтилди: «Ҳозир биз иккинчи онги уйғота олдик, лоқайдлик ва бегоналашушни бартараф қила олдик. Энди масала қўндағил бўлиб турибди: хўш, уйғотилган мана шу онг қаёққа боради, иккинчи онг қай йўлда ривожланади?». Бу саволга жавобини қатъий: «Биз тараққиётнинг қайта қуриш, янгилишни йўлини таянган эканмиз, бу йўлдан асло қайтмаймиз».

Лекин, гап гапигича қолмаслиги керак. Эсингиздами, турғунлик йилларида бизни раис директорлар кабинетларида «Кимки ишлашни ҳўхласа имконият, кимки ҳўхласмаса баҳона қидирсиз», деган сўзлари тез-тез тасдиқланган эди. Ҳўш бу сўзлар чиройли қўғозларга ёзилиб, жимжимо рақамларга солиб қўйиларди. Унлаб раҳбарлар баҳонани унутиб қўйиларди, зўр бериб имконият қидирдилар. Қўзбўямачилик, қўшбўямачилик эвазига топилган бундай «имкониятлар» халқ дастурхонидан файз-баракани кўтарди. Қайта қуриш даврида эса пиру бадавлат, тўкин-сочини яшаш имкониятларини қидириб топшига даъват этилмоқда.

Ҳисобот доклади бошлангичдан олдин район ҳўёти, ташвиш ва қувончларига онд видеофильм кўрсатилди.

ҚОНФЕРЕНЦИЯГА ҲИСОБОТ ДОКЛАДИ-ДАН: Район партия комитетининг биринчи секретари М. М. Умарова ўз докладида КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш, XIX Бутуниттифок партия конференцияси талабларига мувофиқ қайта қуришни такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотли вазифаларига тўхталди, ҳисобот даври мобайнида қилинган ишлар, йўл қўйилган қамчиликларини айтиб ўтди.

Ишга янгича ёндошиш, халқ ҳўжалигига партия раҳбарлигининг яхшилангани райондаги барча санот корхоналарида асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар бўйича планларнинг бажарилишига имконият яратди. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари Болгарияда ўтказилган халқаро ярмаркада олтин медалга сазовор бўлди.

Капитал қурилишдаги олға силжишлар туфайли чала объектлар қисқарди. Коллектив пудрат меҳнат унумдорлигини оширди. Узоқ йиллар мобайнида биринчи марта таннарх арзонлашиб, 5 миллион сўм миқдориде даромад олindi.

Уч йилда пландан ташқари 12,6 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилди.

Қайта қуриш даври ишлаб чиқаришда янгича услуб ва методларни қўллашни талаб қилмоқда. Тўқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳудуди шу йўлдан бориб, ишлаб чиқариш қанжми ҳамда меҳнат унумдорлигини оширди.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилмаётган коллективларда қамчиликлар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Кондитер ҳамда тамаки фабрикаларида рекламациялар узлуксиз келиб турибди, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инжениери Б. М. Слепаковнинг айби билан 1 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланиб олиб келинган қимматбаҳо техника мосламаси занг босиб ётибди.

11-«Висострой», «Ўзбексельмаш», «Главташпассавоттранс», трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари ҳали бир қатор ўткир муаммоларни ҳал этганлари йўқ, уларда ташкилотчилик, қатъий позиция етишмапти. 2505-автоколонна купина кўрсаткичлар бўйиче орқада қолиб кетмоқда. Сабаблари эса равшан: автоколонна партия бюроси секретари ташаббусни ўз қўлига олиб, партиявий таъсир кучидан фойдаланмапти.

Озиқ-овқат Программасини бажармас эканмиз, қуруқ гапларимизга ҳеч ким ишонмайди. Корхоналар қошидаги ердаҳи хўжаликларини ривожлантириш эса маъмурилик манбаларидан ҳисобланади. Ҳозиргача районда етиги тўрттагина ташкилотда ердаҳи хўжалик мавжуд. «Ўзбексельмаш», «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмалари, асбобсозлик заводида ана шу маҳсулотлар учун ер майдонлари ажратиб бериш пайсалга солинмоқда.

Докладчи қизик бир мисолни айтди: райондаги савдо ва умумий оқватлаш корхоналарининг раҳбарлари озиқ-овқат маҳсулотларини устаси фаранг кооператорларга пулламоқдалар. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси директори И. Икромова эса корхонанинг ўзини етишмаётган қимматбаҳо хўш-дўшларини «Шарм» кооперативига топшириб юборди. Бу ерда кооператорларнинг иш ҳақлари ўзбалирмонлик билан ошириб қўйилган. «Тошкент» агрофирмаси ҳўжиклариде район аҳолисини «мўл-кўла савзавот маҳсулотлари билан таъминланганлиги кўрсатилган. Аслида эса аҳолига 37 процент кам миқдорда маҳсулот сотилган.

Районда 2 минг тонна савзавот саклашга мўлжалланган омирхона қурилмоқда. Эҳтимол, у ишга туширилган, эҳтиёжларимиз яхшироқ таъминланар!

Районда ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлаш учун 2,5 миллион квадрат метр уй-жой биноларини қуришимиз керак. Афсуски, 4 та

Делегат билан суҳбат

Биз Лев Исакович Резник билан Киров район партия ҳисобот-сайлов конференциясидан сўнг суҳбатладим.

— Қайта қуриш фикрларимизни янгилади, йиғилишларимизга файз киритди. Очиги, район партия конференцияси янгича руҳда ўтди, хато ва қамчиликлар ошқорлаштирилди. Конференция кўнлари чиқарилган «Делегат овози» деворий газеталарида ҳисобот доклады делегатларнинг муносабатлари билдирилди. Хуллас, фикрлаш, мунозира тўхтамади.

— Ўз фикрларингизни айтсангиз.

— Менимча делегатлар танқид, «Бизга у керак», «Бизга бу керак» сўнлари гапларга берилиб кетишди. Ахир, қайта қуриш фақат район ёки корхона раҳбарларининг иши эмас. Ў биринчи навбатда меҳнатчиларга керак. Шунинг учун бирининг эслатишини нутиб турмасдан ҳар ким йўлдаги говларин олиб ташлаш, иллатларга қарши курашшни лозим.

Лев Исакович Бутуниттифок лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтининг Тошкентдаги комплекс лойиҳалаш установиси бош мутахассиси. Бу ерда Ўрта Осиё республикалари учун илмий-тадқиқот институтлари, лабораториялари лойиҳалари яратилди. Вазифалар мураккаб ва масъулиятли. Ҳаммаше диққат-эътибор билан ишлагга тўғри келади.

— Гап-сўздан амалий ишларга ўтиш пайти келди, дейди суҳбатдошимиз. — Менимча, аввало бажарилаётган, эсдан чиқиб кетадиган қарорлар бизга ҳарак эмас. Афсуски, баъзи коллективларда ҳамон кўрсатмалар, буйруқлар оқими тўхтагани йўқ. Ҳамма ишда яниқлик, микро интизом бўлсин. Шундагина қайта қуриш осонлашади.

Л. И. Резник ҳақ гапларини айтди. Давримиз руҳи ҳам аниқлик, интизом ва масъулият талаб қилмоқда.

қурилиш ташкилотли план-тошхирларини бажармапти. Район секретари конференция делегатларига ўз тақлифини баён этди: олмаоталик қардошларимиз иккин йилдан бери уй-жой биноларининг тошхирини олиб, эшик-даразаларини ўрнатиб, қолган ишларни қавртира эгаларига топширмоқдалар. Албетта, қурувчилар уларни зарур материаллар билан таъминлайдилар. Қарбасизли, дар икки томон ҳўрсдан: ҳам вақтдан ютиқилди, ҳам қисқа муддатда қавртирилиб бўлишиди. Бундай тақриблини ўзимизда ҳам қўллаш мумкин эканмиз!

Докладда меҳнатқашларнинг соғлигини сақлаш, халқ маорифини ислоҳ қилиш бўйича мавжуд қамчиликлар айтиб ўтилди, экология масалаларига эътибор қаратилди, меҳнатқашларини коммунистлик интернационализм руҳида тарбиялаш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг, делегатлар мандат комиссиясининг ҳисоботини тингладилар.

МУЛОҲАЗА: Район секретарининг ҳисобот доклады делегатлар диққат-эътибор билан тингилди, ўз фикр-мулоҳазаларини «Делегат овози» деворий газетаси редколлегия аъзоларига айтишди.



«ДЕЛЕГАТ ОВОЗИ»ДА НИМАЛАРНИ ЎҚИДИК! Ўзбекистон ССР савдо-сановат палатаси бошланғич партия ташкилотли секретари И. А. Ефимов: «Райком ҳисоботида Киров район сановат корхоналарининг халқаро бозорга чиқишлари зарурлиги ҳақида гап бўлмади. Мен ўз маҳсулотларимизни қоржига маҳсуллатиш пайти келди, деб ҳисоблайман. Йирик сановат корхоналари партия комитетлари секретарлари биз билан алоқани мустаҳкамласалар, биздан зарур маҳсулотлар олиб турсалар мақсадга мувофиқ бўларди».

М. И. Фуқ, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим мудири: «Мен конференциядан бошланғич партия ташкилотли статуси тўғрисида жиддийроқ гаплар, тақлифлар кутаман. У қандай бўлиши керак! Қўпича партия ташкилотлари секретарлари асосий ишлардан ажралмаган ҳолда партиявий тадбирлар билан шуғулланишади. Албатта, ҳамма нарсасга улғуриш қийин. Шунинг учун секретарга кенг иш fronti яратиб беришимиз, партиявий раҳбарлигини биринчи ўринга чиқаришимиз керак».

В. Мельничук, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети инструктори: Ҳисобот доклады менимча кўпроқ танқидий ва адрессиз бўлиб қолган. Аниқ фактларга асосланмаган танқиднинг таъсири қамроқ бўлади.

МУҲОКАМА. «Ташпромстрой» бригада бошлиғи Ф. Михайлов: Мен коллектив пудратнинг катта афзалликлари эга эканлигини таъкидламоқчиман. Бизда бу усул 1987 йилнинг II кварталда жорий этилган эди. Натияжада 16 йил ичиде биринчи марта тез кўрмадик. Бу йил трестимиз чек системаси туфайли 80 минг сўмдан зиёд фойда кўрди.

С. Азизова, САМПИ кафедра мудири, медицина факультети доктори, профессор: Биз биринчи навбатда озиқ-овқат Программасини бажаришимиз керак. Бозорларимизда иш пайтлариде дурустроқ нарсга бўлмайди. Бундан ташқари, экология ҳақида жиддийроқ бош қотиришимиз керак. Тамаки фабрикаси атроф-муҳитни зарарламोқда. Санитария хизмати қўнғилдагиде эмас. Мен хотин-қизлар кенгашлари, феолиятларини яхшилаш, бу иш билан шуғулланадиган кишилар бошқа ишлардан озод қилинишлари керак, деб ҳисоблайман. Кенгаш аъзоларини турли комиссиялар составларига киритайлик, уларнинг активликларини оширайлик.

Муҳокамада сўзга чиққан делегатлар райком инструкторларининг меҳнат коллективларига тез-тез келмаётганликларини айтишди.

МУЛОҲАЗА: Бизнингча, ҳисобот докладыда ҳам, муҳокамада ҳам гап кўпроқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб қолди. Ҳолбуки, партия ҳаётида ўткир бўлиб турган муаммолар талайгина. Партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишдаги жиддий қамчиликлар тўғрисидаги қарори юзасидан қандай тадбирларни амалга оширдилар? Меҳнат коллективларида озиқ-овқат программасининг бажарилиши, ижара пудрати, хўжалик ҳисоби қандай жорий этилмоқда? Халқ истеъмоли буюм-

лари ишлаб чиқариш масалаларига партиявий раҳбарлик талаб даражасидами?

ДЕЛЕГАТЛАР БИЛАН СУҲБАТ. Ш. Гадов-боев, 1945 йилдан КПСС аъзоси, «Туркўрғон» маҳалласи бошланғич партия ташкилотли секретарининг ўринбосари: Менимча, қайта қуришни маҳаллалардан бошлаш керак. Ишонасизми, ҳали бизнинг маҳаллада СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш ҳақидаги СССР Қонунининг лойиҳалари муҳокама қилингани йўқ. Қайта қуриш янгиликларидан беҳабармиз.

Д. Камолова, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси канцелярияси бошлиғи: Аёл ва она сифатида айтмоқчиманки, озиқ-овқат масаласини тезроқ ҳал этиш зарур. Баъзилар СССРда кооперация тўғрисидаги Қонундан шахсий бойлик ортириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Магазинлардан яхши маҳсулотлар иссиз йўқолмоқда. «Бодомазор» масъивидеги дўконларда савзавот маҳсулотлари қиммат, сабабини сўрасангиз, «Биз оилавий ижара пудратиде» дейишади. Мен райком конференциясидан ҳудди шу масалалар ҳал этилади деб кутганим. Афсуски, ҳали ҳам қуруқ гаплар, нишонсиз танқидлардан қутилмаган эканмиз.

МУЛОҲАЗА: Ҳа, район партия ташкилотли биринчи навбатда халқ ташвишларини яхшироқ билиш, масалаларини принципиал, партиявий руҳда ҳал этиши керак. Халқ истеъмоли буюмларига талаб қондирилмапти, кооператорлар жийови бўш қўйиб юборилмоқда, озиқ-овқат маҳсулотларига ҳар ким ўзича нарх қўйиб олмақда. Табиийки, бу эътиборсизлик шикоятлар оқимини юзага келтирмоқда. Район партия комитети, район икромия комитети, коммунист ва депутатлар ўз феолиятларини қайта қуриш талаби даражасида ташкил этишлари зарур!

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Давлат халфиза-лиги комитетининг раиси В. А. Головин, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилотли ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент шаҳар ва область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Э. КОСИМОВ.

Ташкилий пленумда М. М. Умарова район партия комитетининг биринчи секретари, Ю. Б. Назаров район партия комитетининг иккинчи секретари, Ҳ. В. Жумаев район партия комитетининг секретари этиб сайландилар.

Н. А. Махмутова район партия ташкилотли ревизия комиссиясининг раиси этиб сайланди.



СУРАТДА: XXXIV Киров район ҳисобот-сайлов партия конференциясиде.

Т. Керимов фотолари.

ҚИШЛОҚДА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЯТИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Орёл шаҳрида қайта қуриш ҳозирги босқичининг долзарб масалалари ва энг аввало XIX Бутуниттифок партия конференциясининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш-

ни яхшилаш тўғрисидаги қарорлари бажарилишини партиявий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш масалалари муҳокама қилинган кенгаш кеча ўз ишнини аяунлади. Бугун тонгги газеталарда ана шу кенгаш ҳақида батафсил ҳисобот, ўртоқ М. С. Горбачевнинг мазкур кенгашда сўзлаган нутқи эълон қилинган.

Бугун Октябрь район ҳисобот-сайлов партия конференцияси ўтмоқда

Дўстлик шиори остида

18—25 декабрь кўнлари Тошкентда биринчи «Ўрта Осиё ва Қозоғистон қардош республикалари пойтахтларининг дўстлик ҳафталиги» фестивали бўлиб ўтади. Мазкур фестивални ўтказиш ташкилий комитетининг биринчи мажлисида ташкилий комитет раиси, Тошкент шаҳар Совети кенгаши комитетининг раиси Ш. Р. Мирзақодов ахборот билан сўзга чиқди. Тошкентда меҳнат коллективларининг

вакиллари, ёзувчилар, рассомлар, архитекторлар, композиторлар, кинематографчилар, олимлар, китоб нашриётларининг ходимлари таширф буюрадилар. Театрларда, Маданият саройларида ҳаваскорлик коллективлари ва фольклор гуруҳлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон пойтахтнинг вакиллари фестивал қатнаш-

чилари бўлишди, меҳмон сифатида Чинкент, Уш, Бухоро, Самарқанд ва Москвадан вакиллари келишди.

«Дўстлик ҳафталиги» программасида ҳақдаги ташкилий комитет штабнинг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт Давлат комитети республика ўқув-маъриф марказининг бош директори Г. Л. Согонов батафсил ҳикоя қилиб берди. Фестивал кўнлари

виставкалар, савдо-қўرғазмалар, кино кўриқлари очилади. Кўнларнинг бой маданий программасида меҳнат коллективларига ва ташкилотларга, йўл муассасаларига таширф буюриш кўзда тутилган. Миллатлараро муносабатларининг долзарб муаммоларига доир мунозаралар, СССР ташкил этилганлигининг 66 йиллигига бағишланган митинг бўлади. Мамлакатимиз халқла-

ри миллий таомларининг ярмарка-намоишлари қизқарлиқ ўтиш кутляди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон пойтахтлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланади.

Юзлаб қатнашчилар ва меҳмонлар таширф буюрадиган фестивал қўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг дўстлиги шиори остида ўтади.

Э. АДАЙКИНА.

ТАСС ахбороти

«Бўрон» орбитал кемаси парвозда

1988 йил 15 ноябрь кўни Москва вақти билан соат 6.00 да Совет Иттифоқида қўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» кемаси билан «Энергия» универсал ракета-космик транспорт системаси учирилди. Соат 6 дан 47 минут ўтганда орбитал кема ҳисоблаб қўйилган орбитага чиқди.

Сипоалар программасида орбитал кеманинг Ер атрофидан икки марта айланиб учини ва унинг Москва вақти билан соат 9 дан 25 минут ўтганда автомат режимида Бойкўнгир космодромига қўниши кўзда тутилган.

«Бўрон» орбитал кемаси парвози муваффақиятли тугади

1988 йил 15 ноябрда Москва вақти билан соат 9 дан 20 минут ўтганда «Бўрон» орбитал кемаси Ер атрофи орбитаси бўйлаб икки марта айланиб, Бойкўнгир космодромининг қўниш полсасига қўнди.

Дунёда биринчи мартаба қўниш авто-

мат режимида амалга оширилди. «Энергия» универсал ракета космик транспорт системаси билан қўп марта фойдаланиладиган «Бўрон» орбитал кемасининг синаб учуриш программаси тўла бажарилди.

Болада
экзема

кузатилса

Болаларда экзема хасталиги учраб туради. Баъзан экзема бола танасининг ҳамма ерига тарқаб नेताди. Жумладан, қўлтинда, чода, думбалар орасидаги бурмаларда, бу ернинг ишлангани натижасида эрозиялар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда касалликни янгириги инфекция кўшилиши мумкин. Болада экзема пайдо бўлишига кўпинча қўйидагилар сабаб бўлади:

○ Она сутининг тўла сифатли бўлмаслиги, болаи бевақт эмизиши, унинг овқатида витаминлар етишмаслиги, гинжа инвазияси бўлиши, диспепсия экземаи келтириб чиқаради.

○ Нимжон, озғин ва яхши ривожланмаган болаларда ҳам экзема бўлади.

○ Она спиртли ичимлик ичса, папироз чекса боладаги экзема кучайиб, сурунчали тус олади.

○ Болаи ҳаддан ташқари ўраб-чирмаш, поизза тутмаслик, ўта ишқорли совуқта чўмилтириш ҳам экземага олиб келиди.

Болаларда экземаи даволашда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

○ Она болаининг овқатланиши, иштаҳаси ва тоза-озодлигидан доим хабардор бўлиб туриши лозим.

○ Биринчи галда бола овқатланишини тартибга солиш, она сутининг сифатига эътиборин қаратиш лозим.

○ Экзема бўлган бола овқатда туҳум сариғи, углевод, туз, ун маҳсулотларини, шоколад, какаои қамайтириш зарур, чунки бу озиқлар касалликни янгилади. Каллий перманганат, дуб пўстлогидан ванна қилиш, шунингдек ультрафиолет нурлар билан умумий нурлантириш яхши натижа беради.

○ Маҳаллий даволаш экземаининг босқичига қараб хил примочалар, компресслар, пасталар, чайқалдирил микстура, маалар билан олиб борилади.

○ Биринчи процентли саллицил маъз, олтингугурт, қорамол, нафтлин маъз яхши таъсир кўрсатади.

○ Экземага чалинган болаларнинг терисини тоза тутиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Терининг зарарланган жойини ва унинг атрофини дезинфекцияловчи воситалар билан тозалаш, ёғ суртиш, ундан кейин эса пахтани атир ёки араққа ботириб артиш керак.

Тўлиқ АШРАФОНОВ тайёрлаган.

ДУНЕДА инсон саломатлигидан ортқ бахт борми? Одамнинг турт муҳали со бўлишига нима етсн! Киши бетоб бўлса-чи! Унга бирон нарса ёқармикн! Йўқ, албатта. Унинг руҳи шунчалар тушкун бўладики, у меҳрга ташна, муложага зор, ҳар бир киши унга нажоткор бўлиб кўринади.

Дондондан сўрашайми:

- Дунёда энг бебаҳо бойлик нима?
- Саломатлик.
- Уни кимга асрайди?
- Яхши турмуш, ширин сўз ва одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатлари,— дебди кекса дон.

Ҳа, инсонга соғлиқдан катта давлат йўқ. Бу сўзининг қадрига бемор бўлганлар, қўли енгил, фидойи шифокорлар кўпроқ етишади. Бундай врачларни кишилар бир умр миннатдор бўлиб эслашади. «Қўли дард кўрмаси» дейишади. Шифокорга аслида энг катта мукофот шу эмасми? Редакциямизга келадиган бундай дил изҳорлари анчагина. Андижон обласи, Бўз районидан Тошкентга келиб даво топган С. Усмонова шундай деб аъди:

«...Аҳолим оғирлашган, Тошкент Давлат медицина институтини 1-клиникасининг йирингли касалликлар бўлимида даволашнинг тўғри келди. Операция қилинди. Ҳайрият, яхши чиқди. Оиламиз номидан врач-травматологлар Қудрат Рўзқулов, Абдумажид Хамдабоев, бўлим мудири Абдувоҳид Топшўлатов ва тилидан бол томадиган ҳамшираларга сажимий миннатдорчилигини билдирмаман».

Тошкент обласи, Тошкент район Навоий номи колхоздан Замира Йўлдошева стоматолог Зарифа Камоловадан, чловчлар Жўра Умаров шифокорлар Виталий Викторич Ли ва Ҳамидулла Рискнедан беҳад миннатдор эканликлари баён этишган.

Меҳри дард шифокорлар ҳақида ҳар қанча ёзса эрийдн. Газетхонлардан С. Алижонов, А. Ҳайдарова, С. Ғисов, У. Тўраев, В. Эргашев, Т. Аҳмедов, М. Усмонов, А. Мирзабеков ва С. Усмоновлар ҳам медицина ходимларидан хурсанд эканликлари қозғата туришган.

Раҳмат олганга не етсин. Кани эди ҳамма врачлар шунлардек фидойи бўлса, тилларидан бол тоьса. Афсуски, киши дилини рамингетган, дардини енгиллатиш ўрнига оғирлаштираётган медицина ходимлари ҳамон учраб турибди.

«Менинг укам Орифжон Исроилов 1982 йилнинг октябридан 1984 йилгача Афғонистонда ўз интернационал бурчини адо этди. Командирининг ёзишча, ўттиз беҳадан зиёд жанговар операцияда муваффақиятли иштирок этган. Январ ойида у қайтиб келганида соғлиги ёмонлашган ва асаби бутунлай ишдан чиққан эди. Ававалига оққлари, кейинчалик бели ва тишлари оғришидан шикоят қила бошлади. Октябр районидаги 22-поликлени-

«Саломатлик клуби»даги материаллар Тошкент Давлат медицина институтини тери-таносил касалликлари кафедрасининг мудири, медицина фанлари доктори, профессор Усмон Мираҳмедов МИРАҲМЕДОВ тахрири остида берилмоқда.

Медицина янгилиги

Пуркаладиган «тери»

Полиэфирлар, полиамид ва бошқа турдаги полимерлар одам терисини сунъий қоплашда фойдаланилади. Махсус баллончаларда, аэрозол кўринишида бўлган полимер модда озорланган, жароҳатланган одам терисига пуркалади. Кишининг шундоққина кўз ўнгига тиниқ суюқлик шаффоф бўлиб, қайишқоқ қават ҳосил қилади. Вақт ўтиши билан эт олган тери устидаги полимер модда сўрилиб кетади.

Доно ХУЖАЕВА.

Билиб қўйган яхши

Беморни
парвариш

Агар уйда оила аъзоларидан бирон киши юқумли касалликлар (экзема, энтерит, энтероколит, колит, ич терлама, апаратиф, сальмонеллез, дифтерия, қизилча, вирусли гепатит, грипп) билан оғриб қолса, унга қараб турадиган одам озодалликка қатъий риоя қилиши, айниқса қўлларини тоза тутиши керак.

Қўлингизни асло хлорли оҳан эритмаси билан артиманг! Бу восита терини шунчалик қаттиқ таъсирлайдики, ҳатто аллергик дерматит пайдо бўлиши мумкин.

Қўлингизни кир совун ёки атир совун билан, айниқса тирноқ атрофларини, бармоқ ораларини бир минут мобайнида яхшилаб ювинг. Беморни парвариш қилар экансиз, албатта узулларингизни қўлдан ечиб қўйинг, акс ҳолда уларнинг тағига микроблар йиғилиб қолади. Қўлингизни юмшловчи чўтча-мочалка билан ювишингиз мумкин.

Қўлингиздаги совун кўпчилиги иссиқ сув қўйиб ювинг,

кейин қўлини яна яхшилаб совиулаб, бир минут мобайнида чайинг, сўнг иссиқ сувини қўйиб ювингизда, тоза соничка артинг.

Агар сиз беморнинг туфдоинини, тувагини тозаласангиз, кир кийимларини тахласангиз қўлини совиулаб ювишининг ўзи инфоф қилмайди. Бундай вақтларда қўлини аввал 5 процентли хлораминга ботирилган пахта тампон билан артинг, шундан кейин кир совун билан иссиқ сувда ювингизда, бирорта озиқлантирувчи крем суртиб қўйинг.

Агар қўлингизнинг бирор жойи тирналган, ёрилган бўлса, резина қўлқопдан фойдаланишини унутманг.

Чўтқа, мочалка резина қўлқопни 30 минут қайнатиб ёки уларни хлорамин эритмасига ботириб қўйиш зарур. Хлорамин қандайдя процентда бўлишини даволовчи врач айтиб беради.

Маҳфират ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

«Уй аптечаси»дан фойдаланганда...

Ҳаёт тасодифларга тўла... Баъзан оила аъзолари ёки меҳмонлардан бирортаси ҳушидан кетиб қолиши, қоқилиб йиқилиши, бирор ернинг қанчоқ кўй ёки бошқа иссиқ нарса билан қўйириб қўйиши, пичоқ, қайда ё бошқа бир ўткир нарса билан

қўлини кесиб олиши ва бошқа ҳодисалар юз бериши мумкин. Шундай тасодифлар рўй берганда жабрлашувчининг изтиробларини енгиллаштириб, биринчи (врач келгунча) ёрдам кўрсатишни таъминлай оладиган уй аптечаси ҳар бир хонадонда

бўлиши мақсадга мувофиқдир. Уй аптечасини қуруқ, салқин жойда, ёш болалар теғмаслиги учун баланд, роқ ўрнатилган ва қўлфланмаган махсус шкафчада сақлаш лозим.

Уй аптечаси тарихида дорихоналарда врач рецетписиз бериладиган

дори-дармонлар ҳамда биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган яра боғлаш воситалари, касалга муложа қилиш воситалари, ёзми бир медицина техникаси ашёлари ва шу кабилар қиради, қўйида фақат тери касалига даво дорилар ҳақида маслаҳат берилади.

пушти ранглиси) яраларни ювишда, 2—5 процентли (тўқ пушти) эса терининг қўйган жойларини, аялланган яраларни ювишда ишлатилади.

○ Борат кислотаси. Оқ рангли порошок, 2—4 процентли эритмалари оғзини, томоқни чайишда, қўлни ювишда ишлатилади. Бу модда суваракларни йўқотишда ҳам қўлланади.

○ Фурацилин ёки ривонол таблеткалари. Иссиқ сувда эритилиб, оғзини, томоқни чайишда, яраларни ювишда ишлатилади.

○ Гидроперит таблеткаси. Битта таблетка бир ош қўнғи (15 миллиграмм) сувда эритилса, водород пероксиднинг уч процентли эритмаси ҳосил бўлади. Яраларни ювишда ишлатилади, агарда 4 та таблеткасини бир стакан сувда эритилса, бир процентли эритма ҳосил бўлади.

○ Йоднинг 5 процентли настойкаси. Яра-чақаларни дезинфекциялаш учун ишлатилади.

○ Кўк дори — бриллиант шиллининг бир ёки 2 процентли спиртли эритмаси. Майда яра-чақаларни, шиллинган жойларни дезинфекция қилишда қўлланади.

Шотурсун УСМОНОВ, Ҳасан РАСУЛОВ, дорихўналар.

кетди. Кейинги текширишларнинг ҳам фойдаси бўлмади. 22 февраль. Жигарбандининг бармоқлари кўкка бошлади: «Онажон, мен уялган, аялган, энди ҳеч нарса ёрдам бермайди», деди. Ҳушимдан кетди.

...Мен қизимдан айридим. Сўнги дамбага врачларга ишонгандим. К. Енгаличева. Яна бир она бўлаб қолди. Ун гулидан бир гули очилмаган димбидан уни бир умрга ташлаб кетди. Нега! Ким айбдор бунга? Қайси касалхона ва қайси врач? Бу фожиадан озгина бўлсада уларнинг виждони қийналармикан ёки вақти-соати етибди—ўйлибди, деб бепарво кетаверишганимиз! Турган гапки, ҳеч бир касалхона ходимлари «Бу бизнинг айбимиз» деб бўйинлаганча олишмайди.

Асло, биз ҳам айнан мана шу айбдор демоқчи эмасмиз. Бунга ҳуқуқимиз ҳам йўқ. Ҳуло-санни мутасаддислар айтишар. Лекин кишини бошқа нарса қийнайди. Наҳотки операциядан кейин ҳамшира ва санитарлар қиладиган назоратчи киши медицинанан беҳабар она бажарган бўлса! Бепарволик ҳам шунчалар бўлади!

...Дардимизни кимга айтмайми,—деб бошлабди Зулайхо Рафқова ўз хатини.— Бундан тўрт йил аввал жиянимнинг томоғида тўсатдан иккита без пайдо бўлди. Ушанда икки ёшда эди, ханузгача бор касали. Бу дард қайталавса иситмаси чиқиб, ҳамма жойи қизийди. Қўнгли озиб, қайт қилади. Унинг касали нималигини биз ҳам, докторлар ҳам билишмайди. Наҳотки улар бировнинг дарди билан иши йўқ инсонлар қиёфасига кириб кетишган! Энди биз нима қилайлик, дардимизни кимга айтилайлик».

А. Исмомлов, В. Мирзаҳамидов, К. Тошқулова, К. Мусоев, Б. Тўрақулов, С. Хабибуллин, Р. Турсунова, З. Султоноҳмева ва С. Ортиков ёзми юборган хатларда соғлиқни сақлаш муассасаларидида бюрократчилик, бепарволик, инсон тақдирига соғуқонлик танқид қилинади, оқ халатига доғ тушираётганлар ҳамон борлигидан куйинишади.

Шунингдек, кўпчилик оқшомхонлар маслаҳатлар сўрашди. Оқшомхонлардан К. Усорова, Ф. Қобилова, М. Аҳмедова, М. Иброҳимов, М. Каримов, Ш. Рашидов, Ҳ. Расулов, Х. Аллошов, М. Расулов ва бошқалар аптекалардан керакли дори-дармонларни топиш қийин бўлаётганини, беморни касалхонага етказиш қийин қўнаётганини куюнчақлик билан ёзишган.

Ёзуви айтганидек, ёмон ишчининг касри темирга узар, бир ношуд раҳбар айбини бошқаси тугатар, лекин шифокор хатосини ким тугатади?

Хулоса шунки, ёмон врач бўлишга ҳеч кимнинг ҳақиқ йўқ.

Р. БОБОМУҲМЕДОВ.

Кунн кеча шаҳримизда қардош республикалар пойтахтлари ва қарамон шаҳарлардаги 9-ўрта мактабларнинг XII Бутуниттифок фестивали тугади. Мазкур фестивал мактаб ўқувчиларини интернационал руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Бу йилги фестивални пойтахтимиз Киров районининг Георгий Димитров номидаги 9-ўрта мактаби қабул қилди. XII фестивал шонли Ленин комсомолнинг 70 йиллик юбилейига бағишланди.

— Фестивалда Фрунзе, Таллин, Одесса, Тула, Минск, Кишинёв, Волгоград шаҳарларидан келган вакиллар қатнашишди.— дейди Г. Димитров номидаги 9-ўрта мактаб директори Н. Мамутова.— Қатнашчилар шаҳримиздаги бир қанча мактабларда бўлишди, диққатга сазовор жойларни кўздан кечиришди. Шунингдек, кўна шаҳар — Самарқандга саёҳат қилишди.

Ҳар байрам ўзининг бирон-бир нараси билан ёдда қолади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзлари билан қўчат ва тупроқ олиб келган ўқувчилар мактаб ҳовлисида «Дўстлик киебонизни» бунёд этишди. Бош майдондаги В. И. Ленин ҳайкали пойига ҳамда Номалум солдат қабрига гуллар қўйишди. Бу йилги фестивалнинг энг ёдда қолувчи воқеаларидан бири ўқувчиларнинг ўзбек хонадонларига бориб, уларнинг ҳаёти, оилавий шароитлари билан танишиш бўлди. Масалан, Таллин делегацияси ўзбек тўйини кўриб, келин-куёвни гулдас-талар ва ўзларининг миллий рақслари билан муборакбод этишга мушарраф бўлишди.

Фестиваль тугади. Ўқувчилар кузги таъилларини мароқли ўтказишгандан бениҳоя шодлар. Бунин уларнинг чехларидидаги кулгу, шодлиқдан англаш мумкин эди. Келгуси йили Волгоградда навбатдаги XIII фестивал ўтади.

Д. ЖАЛОЛОВ.



Шаҳримиздаги 41-ўрта мактаб пионерлар хонаси доим ўқувчилар билан гажум. Пионерлар бу ерда деворий газета чиқаришади, отряд ва дружина йиғилишларига тайёргарлик қилишади. Шунингдек ҳар кун эртабел тўпанишиб қилинажак ишларни келишиб олишади.

СУРАТДА: ўқувчилар қарбй ватанпарварлик темасига бағишланган стенд тайёрлашяпти.

Р. Альбеков фотоси.

Меҳнатда

ва ижодда

Тошкент бадийн бўжмлар фабрикасида икки мингдан ортқ хотин-қизлар меҳнат қилишади. Чеварлар тайёрлаётган бадийн бўжмлар чет элликлар эътиборини жалб этмоқда. Бунн фабрикамизга таширф буюраётган чет эл туристлари билдирган дил сўзларидан ҳам билиб олса бўлади.

Яқинда корхонамизга Испания, Англия, Канада ва Ливанлик меҳмонлар келишди. Меҳмонлар олдин фабрика ҳаёти билан танишиш, сўнгги фабрика клубига таширф буюришди. Бадийн ҳаваскорлар рақслар гулдас-таси ва дилрабо қўшиқларини тараннун этишди. Ҳалол меҳнатлари билан биргалликда фабрикамиз комсомолчилари Д. Носирова, Ш. Тўйчиева, М. Яғиева, Г. Қўчқорова, Л. Эшонхонова ва бошқалар ўзларининг санъатлари билан ҳам намуна бўлмоқдадир.

Улар ўзбек совет компози-торларининг сўнгги йилларда яратган асарлари асосида янги рақслар гулдас-тасини тайёрлашмоқда. Бу қўшиқ ва рақслар фабрикамиз меҳмонларига намойиш этилади.

И. СУЛТОНОВ, А. ТОЛИПОВ.

КПСС XIX Бўйинишнинг конференцияси Резолюцияларида «Партия ва давлат органларининг вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш ва қўйишдан юздорларга Советларнинг тўла ҳокимиятини қайта тиклаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир», дейилади. Ҳозирдан маълумки, бу сўзлар Советларнинг олийки ошқирш, халқ депутатларининг фаоллигини янада активлаштиришга қаратилган. СССР Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ва СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги янги Қонун лойиҳаларининг пайдо бўлиши эса сўз ва иш бирлигининг яққол намунаси бўлди. Тошкент шаҳар Советининг депутаты, таъриб механика заводи бригадир Виктор МАЛАХОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда борди.

Таянч мустаҳкам бўлса

Зеро кўпчилик бизга ишонч билдириб, депутатликка сайлаган экан, ўз навабиде биз ҳам зиммедаги масъулиятимизни ҳис этган ҳолда коллектив умидини оқлашимиз лозим. Лекин ишонч оқлаш ҳам ҳар хил бўлади. Бу гапни айтишнинг боиси бор. Қўйинча бирор нақсон баъжаришда депутат иқилиниб қолади. Юқори ташкилотлар қамчиша уни қўллаб-қувватлашавермайди. Янги Қонун лойиҳасида депутатга нақсон баъжаришда ҳар томонлама ёрдам бериш, уни қўллаб-қувватлаш уқтирилган. Шу ўринда депутат бизнинг диққатини бир воқеага қаратади.

Биринчи марта сайловчилар билан учрашувда улар депутатга маҳалла ёнидан сабабот-невалар билан савдо қиладиган магазин очиб бериш ҳақида нақз беришди. Ушунда у қанча югурди. Ҳар учрашувда сайловчилар депутатдан ўша нақсон баъжарилишини талаб қилишди. У нима дейишини билмайдди. Ўзинча бу талабни қондириш учун гоҳ район савдо бўлимига, гоҳ «Ташлодоовошчиром» корхоналарига чопади. Улар эса нукул ишни пайсалга солишди. У ер бозорга яқин, бизга фойда бермайди, деган баҳонани рўйча қилишди. Ниҳоят ишга шаҳар Совети ижроия комитети аралашгандан сўнг бу талаб амалга ошди.

— Халқимиз «Қарс икки қўлдан чиқди», деб бежиз айтмаган. Шундай экан, бошқа ташкилотлар депутатларни қўллаб-қувватламас экан янрик нақз-

ларни амалга ошириш биргина депутатнинг қўлидан келмайди, — дейди В. Малахов.

Яна бошқа бир мисолни олайлик. Яқинда сайловчилар билан учрашувга кетасанмиз эшик олдида ўрта ёшдаги бир аёл мени тўхтатди. У аёлнинг ўғли 8-синфини тўғатиб ўқийши давом эттирмайди. Сабаби у мактаб маъмурияти ташкил қилган билим юртига бормаган. 10-синфини тўғатиб олий ўқув юртига кириш ораусида экан. Хўжжатлар эса унинг розилигисиз билим юртига юборилган. Бола ўзи хоҳламаган жойга ўқишга боришни истамаган. Намасда мақсадга мувофиқ бўларди.

Виктор ҳақида у ишлатган Ленин районидagi таъриб-механика заводида ҳам иқик ва самийи фикрлар эшитдик. Виктор корхонанинг машъалларидан бўлиб, токарлик бригадасига етакчилик қилар экан. У бундан 12 йил олдин Москва яқинидаги Малахова қишлоғидан келган. Мактабда ўқиб юрганидек темир ўйнишга қизиқар, токарликка ҳавас қўйган. Шу-шу заводида токар бўлиб ишлади.

Шу кунларда В. Малахов етакчилик қилмаган бригада ўн иккинчи беш йиллик учинчи йили топириқларини баъжариш, йиллик планга қўйишга 6 минг 400 сўмлик мақсулот тайёрлашга ақд қилган ҳолда меҳнат қилимоқда. 6 кишидан иборат бўлган коллектив аъзоларининг барчаси ўз касбининг усталаридир. Шу кунги биз у билан бригада аъзоларининг олий даромадлари ҳақида ҳам сўз юртдик.

— Олий маошимиз яхши. Ҳар биримиз ойида ўртача 350 сўм оламиз. Чунки бизнинг цех янги деталлар тайёрлайди. Масъулият эса катта, сҳемаларни яхши билишимиз керак. Илгари бошқа бригадалар бизга норозилик билдиришарди. Ҳўш, нега ишга бир вақтда келиб, бир вақтда кетамиз, сизлар биздан икки-уч баробар кўп ҳақ оласизлар, дейишарди. Сабабини аниқлаш қийин бўлмади. Баъжарган ишимизни тароизга солганимизда бизнинг бригада олий топириқларини 306,2 процент баъжарибди. Техника назоратчилари барча мақсулотларимизни биринчи тақдимда қабул қилишди. Бошқа бригада коллективлари томонидан ишланган мақсулотларнинг эса сифати анча паст экан.

Суҳбатимиз охирида депутат янги Қонунлар лойиҳаси ҳақида ўз тақлиф ва иштакларини билдирди. Лойиҳада «Депутат тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларга сўра билан мурожаат қилиш ҳуқуқи» эгадир, дейлади. Менимча шу сўзлардан кейин «Депутат сўрови эса тегишли орган ва шахслар томонидан имконият даражасида баъжарилиши шарт», деган жумалар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир тақлиф. Қонун лойиҳасининг 96-моддасида «18 ёшга тўлган СССР граждани халқ депутатлигига, 21 ёшга тўлган СССР граждани эса СССР халқ депутатлигига сайланиши мумкин» дейлади. Менимча халқ томонидан сайланган ишончи вақилининг бундай ёшда бўлиши ўзини оқлармикан? Табиийки юқоридagi ёшда бўлган депутат албатта мансабдор идоралар эшигини қоқиб киришга ийманади. Шу ҳақда ўйлаб қўрилса ёмон бўлмади.

Биз депутатга бригадирлик иши ва жамоатчилик фаолиятда муваффақиятлар тилаб, у билан хайрлашдик.

М. КОМИЛЖОНОВ.



— Шу йилнинг охирига қадар «Вариант» совет-болгар қўшма корхонаси 5500 та компьютерни йиғди. Бу деман, яна 500 мактабда ҳисоблаш техникаси синфлари пайдо бўлади, — дейди «Вариант» корхонаси бош инженирининг ўринбосари Константин Владимирович Казанцев.

СУРАТЛАРДА: Рустам Самигуллин навбатдаги компьютерни йиғайпти; «Республикангиз» ўнучилари компьютерлар билан дўстлашиб қолишини истар эдим, — дейди БХР вақили П. Мамчилов; Иво Марнов (БХР) Марат Шабеевни компьютернинг тузилиши билан таништирмоқда. Р. Шарипов фотолари.



Бефарқ

бўлмайлик

Автобус йўловчилар билан тўла. Зўрга турибсиз. Кимда транспорт бемалол юриши учун бир олий талони бўлса жимгина кетади. Агар кимда абонемент бўлса уни компостер қилиш мавриди бўлади. Энди абонементи йўқ йўловчилар нима қилади? Видеонинг поклар нимлардандир абонемент сўраб олишади. Бизга тенгдошлар, яъни ешларнинг кўзлари бекатда, контролёр борми ёни йўқми деган фикрда алаңлиқлар. Бор бўлса тўшмайдилар, йўқ бўлса худди ҳеч нимадан хабарсиз қўвча бўлади-қолади. Аҳир, уни тўхтатиб унамон, транспортда бемалол юришга қандай юзизгиз чинади деб, сўрайдиган одам йўқ.

Яқинда гувоҳ бўлидим. Автобуснинг охириги ўринидига бориб ўтирдим. Енимга яна нингизга йўналиш ўрнатди. Улар манзилда тушмоқчи бўлганда ёнидаги бола унисига деди:

— Чўнтагингни қара, тешилган (компостер қилинган) абонемент борми? — деди.

У сенки чўнтақларини қараб бошлади. Не кўз билан кўрайин, бир сиқим компостерланган абонемент. Улар сенин салон олдига ўтиб тушиб кеттилар. Наҳотки бундайларин ҳеч бир транспортда теширадиган контролёрлар топила-мас?

Ахир, автобуснинг шофёри хўшёрин билан машина сурсини ёни «қўвчаларни ушласинми»?

А. АБДУРАХМОНОВ.

4-мақсус трестнинг 122-қўшма механизациялашган колоннаси иш-чиси.

«Нуқсонни ўзимиздан қидирайлик»

«Компрессор» заводи 3-цехи бошлиғи И. Г. Колотилиннинг ўз-ўзини танқид қилиб айтганлари.

— Одатда биронинг камчилигини кўриш, уни танқид қилиш жуда осон. Изласанг нуқсонлар топилаверади. Бирор ишчи плани баъжармаса, бутун цехларга ҳар бир кишига гап топилади. Лекин ҳаммада ҳам камчилик бўладими. Нима учундир ўзгалар нуқсонини, камчилигини кўра оламиз, ўзимизнинг фаолиятимизга танқидий нуқтан-назардан қарамаймиз.

Бугун мен ўзимдаги нуқсонларга тўхталмоқчиман. Цехимизда компрессорнинг 4 та турли тайёрланади. Биз асосан баъзи деталларни ясаш ва компрессорни йиғиш билан шуғулланамиз. 215 кишилик коллективимизда иш икки сменада ташкил этилган. Бирор кимса менимча ёки бирор ишчидан плани нега баъжара олмайдилар, деб сўраса, албатта материал таъминоти ёмон деб жавоб берамиз. Ҳақиқатан ҳам Саратов подшипник заводи 2903 та кам подшипник юборган. Шу-шунгдек яна баъзи деталлар ва металл таъминотида ҳам тез-тез узилиш бўлиб туради.

Лекин заводимизда, жумладан, мен бошқаратган цехда ҳамма иш кўнгилдагидек кетяпти, деб айта олайман. Чунки ҳауызгача брак мақсулотлардан тўла кутулиб бўлганимиз йўқ. Тўғри, илгаридаги нисбатан брактлар сони анча каймаган, лекин ҳар ҳолда кўнгилнинг бир чети хира бўлиб туради. Протулчилар оз бўлсада бор. Кўнлар су-вуб қолганига қарамай иштиш системалари ҳамон иш-та туширилмаган.

Белгиланган план-тоқши-ларнинг баъжарилмай қолганида шахсан ўзимни ҳам айбдор деб биламан. Мастерларга, жумладан ишчиларга нисбатан етарли талабчанлик қилолмайман. Шунинг учун ҳам цехда интизомни мустаҳкам деб айтлолмайман. Ишлаб чиқаришда янги-янги техноло-

гиялар қўллаш зарур, механикани янги формаларини ўйлаб топиш керак. Бунинг учун эса албатта изланиш, ўрганиш, ўқиш лозим. Ана шу хислатлар менда етарли даражада эмас.

Бугунги кунда инсон омили асосий масала бўлиб қолмоқда. Биз одатда, ишчилар биринчи навбатда план талаб қилишга ўргатганимиз. Лекин унинг қоронғида дари, оқлави ҳаёти, турмуши ҳақида кам ўйлаймиз. Тўғри, цехимизда ҳар бир кишининг туғилган кўни ёки қувончи воқеа эсдан чиқариламайди. Албатта, бунинг ўзига нифо қилмайди. Мен цех бошлиғи сифатида ишчилар ҳаётидаги бирор камчилик юзасидан ёрдам сўраб келса, албатта қўмақлашшга ҳаракат қиламан. Кимгадир машина, кимгадир саяҳатга путёвка, квартира олишда қўмақлаш-шиш, шунга ўхшашлар. Бирор бирор ишчининг ўйига бориб, турмуши билан яқиндан танишиб, оиласидаги камчиликларга эътибор бериш, ёрдамлаш ҳам лозим-да. Айни пайтда шу нарсга жуда зарур деб ўйлайман. Вақт ажратиб, бир-икки кишиникига бордим ҳам. Лекин бу жуда оз. Яна ишлаб чиқариш планини ўйлаб, бу ишни охирига етказолмадим. Имонини топса бўларкану деб ўйлаб қоламан.

Янгилашнинг даврини ўталаймиз. Ҳамма ерда эски, самарасиз услубдан воз кечиб, янги иш методларига ўтиляпти. Албатта, мен ҳам бу камчиликларимни тўғатишга ҳаракат қилилман. Менимча, ҳар бир одам камчиликни аввал ўзидан топиб, ундан қутулса, кейин бошқаларнинг нуқсонини пайлаб, танқид қилса ва бу нуқсонларни биргала-кида тўғатишга қўмақлаш-са яхши бўларди.

Оққа қўйрувчи: С. ШАМСИДИНОВ.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС мухбирлари ёздадилар

Телетайп лентасидан

© СОФИЯ. Москва ва София қороналари ўртасидаги бевосита алоқалар тобора қонкрет тус оломоқда. Икки шахар вақилларининг бир ерда очилган дастлабки амалий ўчиршув иш алоқаларини икки дўст мамлакат поштакларини аниқлаш ҳамкорлигининг нормасига айлантиришдек муҳим масалага бағишланди. Унда юздан зиёд хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари ва мутахассислар қатнашяптилар.

© БУДАПЕШТ. «Йилнинг энг яхши менежерини» — Венгрия эълон қилинган конкурсда қатнашгани хоҳловчи қарашининг раҳбарча қабул қилинади.

Объективда—Вьетнам



Гулдастадаги атиргул, чиннигул, гладдиолуслар Бир-бири билан яқин равишда қўрилмай кетган. Бу гулларни табият эмас инсон қўллари (саяганига) ишонини қийин. Хонайлик Нгуен Тхь Биън (аётганда) ана шундай мўъжизаскор усталардан бири. У ўзининг нафис асарларини ясада шойн газламадан ҳам ашё сифатида фойдаланади.

ВИА—ТАСС фотоси.

Ортиқча дипломатлар

«Хар уч дипломатдан бири ортиқча. Ҳукуматнинг фикри ана шундай». Англияда чиқадиган «Дейли мейл» газетасидан олинган ушбу қисқа сатрлар Британия ташқи ишлар министригининг 12 минг нафар ходимлари ўртасида тўс-тўполонга сабаб бўлди. Мақсуд хабарга ҳеч қандай шаҳр илова қилинмаган эди. Шунга қарамай у дипломатларни ташвишга солиб қўйди, улар қайси бйримиз ортиқча эканлиги, деб бoш қотиришмоқда.

ДЕНГИЗ ТУБИДАГИ КУМУШ

Ҳиндистон божхонаси ходимлари Карнатака штатидаги Гадри порти ёнида денгиз тубидан умумий оғирлиги 3855 килограмм кумуш ёмбларини топиб олинди. Шу ёмбларнинг омадсиз қонтрабандчиликлар 7 метр чуқурликда қўқтириб юборган эдилар.

Бундан роппа-роса бир ой илгари Ҳиндистоннинг киргизчи кўриқловчи қасери Бомбай ақинида араб Амирликларидан келган контрабандчилик кема-сини қўлга туширган эди. Кемада 6,5 тонна кумуш ёмб бўлиб, у мусодара қилинган эди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, контрабандчилик Ҳиндистонда ҳар йили 200-250 тонна кумуш олиб келмоқ-

КАЛЕЙДОСКОП

далар. Кузги тўй мавсуми ҳақда дивали байрами бошлангани олдида айниқса қонтрабанди йўли билан кумуш олиб келиш қучайиб кетади. Ҳиндистонликлар кузги тўйлар мавсумида ва дивали байрамида ўз анъаналарига қўра матбуда Лақимига кумуш «тангалар» садақа қилиб, унинг раҳм-шафқатини ўйотишга уринадилар. Уларнинг айтишларига қараганда, Лақим хонадонларига тўқилиш ва бойлик олиб келди.

ГАРОНИБ ТУХУМ

Швейцариялик фермер Жаңитоп Бонтемпти эрта билан одатига қўра тўнда қўйилган тухумларни йиғиб олиш учун тоқуқлар қаттагига кириб келди. Тухумини олиш учун қўл қўзиди ҳайратдан қотиб қолди — қўз олдида қўз қўриб, қуқоқ эшитмаган шаклдаги тухум ётарди, у кўпроқ катта шиллиққурт қангони га ўхшаб кетар эди. Бонтемпини унинг ичиди нима бўлганини нийҳотида қизиқтирган ҳам, тухумни нима қилиш ҳақида ҳали бир қарорга қолгани йўқ. Ана шу ҳақда хабар берган Болгариянинг «Паралел» журнали хабарга гаройиб турулишига суратини ҳам илова қилган.

Виждонни унутганда...

Биз айтмоқчи бўлган кимсалар нур ўғирлашди. Масалан, С. Рахмонов, кимсан Собир Раҳимов район ижроия комитети ободонлаштириш ва қўшмадорлаштириш бошқармаси қоршидаги 6-иҳтисолаштирилган қўрилиш бошқармасида ҳодим. Яқинда С. Рахмоновнинг масаласи бутун бошли қасаба союзи комитети мажлисида қўриб чиқилди.

Гап шундаки, у киши сўчтиқнинг тилини «тишлатиб» қўйган. Бир неча муддат электр энергиясидан бемалол текнига фойдаланган. С. Рахмонов мажлисида бу воқеалардан бутунлай «бехабарлигини» афсус-надомат билан қайта-қайта таъкидлади. Онда бошлиғи бўлатуриб, ана шу «бехабарлиги» учун ўша мажлисида унинг ҳисобига битта «чирийли» хайфсан ёзиб қўйилди, уч ўз сўмдан ошқироқ жарима тўлаши кераклиги айтилди.

Еки Виктор Леонидович Пападкини олайлик. У киши Юнусободнинг 14-қават, 55-уй, 30-қаватрасида истиқомат қилади. «Главташкентстрой» қошида ташкил этилган уй-жой қурилиш кооперативининг раиси. Қурувчи эмасин, уй-жойнинг, коммуналқияларнинг минг бир йўлини билади. Шунинг учун ҳам Виктор Леонидович электр энергиясини ўғирлашнинг қиймат йўлини топибди. Тўппа-тўғри, яъни сўчтиқдан ўтказмай турб янги розетка қўриштирилган. Керакли, яъни дўппи тор келган вақтда ана ўша розеткага бутун фойдаланиш линиясини улаб қўйди-да, бемалол электр энергиясини ўмаравери. Лекин Пападкининг найрағи узокқа бормади. Энергетика назорати ходимларининг аниқлашга тўғайли ана шу қўшмича розетка аниқланди. Виктор Леонидович ўзини у ёққа ташлади-бу ёққа ташлади. Лекин қўлоғи бўлмади. 624 сўм жарима тўлаб, «музде» бўлди-қўйди.

2-таксопарк шофери Махмуд Тожиков ҳам эа электр энергиясидан гўё меросеки фойдаланади. Биз у кишининг электр жиҳозларини ишлатишда гирромлик йўлига ўтиб олганидан жуда ранжидик. Телевизор, хололиқлик ва бошқа электр жиҳозларини текнига ишлатилади. У электр сўчтиқнинг пломбасини сўғуриб олиб унинг «тилини» «ойлаб» қўйибди.

Госпиталь қўшмадиган 22-уйда яшовчи Сора Матвеевна Дамидованинг эса уйда умуман сўчтиқнинг ўн йўқ. Уч йил давомида у ҳам бемалол электр энергиясидан текнига фойдаланиб юрган. Хизмат-беиминнат деб ўйлаганими?

Юнусободлик Юлия Белинская, 9 Январ қўшмадиган 1-туник 3-уйда яшовчи Елена Вячеславна Полудина, Уйғур қўшмадиган 380-уйда яшовчи Жаңилла Хўжаева сингари ошхоналарнинг ҳам оиналари бир неча вақтдан буён электр энергиясини ўзлариники қилиб олинди. Бир сиғи «қоқиб» қўйган бўлса, бири сўчтиқнинг ойнасини синдирган. Қўйибсиз раёнидаги ошхоналар трестининг офицанти Фарида Муратаева эса уйига қўшмича фаза тортиб олган. Унинг сўчтиғи ҳам бир неча вақтдан буён «ўхлаб ётибди». Шундайлардан яна бири Раиса Медведьева Салерная қўшмадиган 27-уй, 3-корпус, 36-қаватрада яшайди. Мутахассислар тили билан айтганда «заземление» қилган, яъни электр энергиясининг сарфи ҳисобдан ўтмайди-да, тўппа-тўғри ерга ўтиб кетавери. Ана сизга хуна, ана сизга касби! Еки 8 Март қўшмадиган 94-уйда яшовчи Ефимов олий маълумоти инжениер.

Давлатимиз халқ учун турли хизматлардан фойдаланиш борасида жуда қўлай имкониятлар яратиб қўйибди. Аҳоли бир қилватат-соеат электр энергиясини учун бор-йўғи 4 тийин тўлайди. Баъзилар эса ҳатто унинг арми учун ҳисоб-китоб қилмадилар. Лекин шунга қарамай, виждонинг ҳисоб-китоб қилмади. Яъни билан фойдаланаётган шахсларни қўрғанингизда одамлар ҳар хил бўлар экан, деб ўйлаб қоларкансиз...

А. МАҚСУДОВ.

Хат тахирсиз босилмоқда

Ваъда билан иш битмайди

Октябрь район уй-жойлардан фойдаланиш трести ходимлари, 64-ЖЭКдагилар эса паровик-фалак. Ҳали насос йўқ, ҳали пайвандиловчи аппарат йўқ. Октябрь район уй-жойлардан фойдаланиш трести, диспетчерга эса ҳеч телетайп қилиб бўлмади. Сабаби телефон трубкисини олиб қўйиб, чойхўрлик қилишдаги ёки бозор-ўйар ишларини битириб юришди. Мана бир мисол: бизнинг уйда яшовчилардан бир группаси қўнғироқ қила

олишмаган, 13 октябрь кўни соат 15.00 да трестга боришса диспетчер-набатчи Худойбердиев [унинг телефони 42-03-81] телефон трубкисини олиб қўйиб, чойхўрлик қилмаётган экан. Мингта дўқ-пўнса билан «ЖЭКка бормилар, бу ЖЭКнинг иши» дебди. 64-ЖЭК ходимлари эса «Хўзир насос йўқ, насос топила ер-тўланнинг сувини тортиб берамиз», дейишди. Ахир бу нима деган гап! Ерғўлада сув шун-

чалик кўпик, электр тахтасига етмишга оз қолган.

Езаверсак гап қўл. Болалар майдончаси, ободонлаштириш, ўқир-қўйирларни тузатиш ҳақида бир неча марта мурожаат қилдик. Бизнинг 4-уйда 148 хонадон бор. Ҳар бирда бўлмаганда иккинчидан бола бор. Беш, олти, еттига фарзандли оналар ҳам кўп, уларнинг болалари қаерда ўйнаб, нима қиларини билмайдим.

Самарқанд Дарбоза қўшмадиган 4-уйда истиқомат қилувчилар.

